

## БИЗНИ ХОЛЛАР ВА ИШЛАР

12-адад «Ойна»да Самарканднинг Мирзо Улугбек хазратлари жомеъинда муаззин тарафидан усули жаид мактабинда ва ҳам русча ўкумокни ямонлиги хакинда жумаъдаги мусулмонларга нутк килингони ва хар ким усули жаида мактабига бала берса, ўзи кофир, хотуни талок дегани ва бир неча самаркандийни от тутуб, «алар кофир ва ўрус» дегани ёзилиб эди.

Ушбу нутк ҳукуматга маълум бўлуб, ҳукумат тарафидан Мадрасаи Тиллакори ва Мадрасаи Мирзо Улугбек мударрислари жаноб Мулло Имомназар ва жаноб Мулло Салим ва ҳам нутк килгон муаззиндан сўралибдур. Жаноб мударрислар ушбу нуткдан хабаримиз йўқ дебдурлар. Муаззин айтибдурки, «Ман усули жаид ва ё русча ўкумок ва ё усули жаидчилар хакинда ҳеч бир нимарса айтганим йўқ. Факат "Анжумани арвоҳ" исмлидаги янги чикгон рисолага эътикод килманглар, дедим» деб бошка айтганларига мункир бўлубдур.

Ҳукумат тарафидан билдурулубдурки, баъзинда мундай ямон ҳаракатлар воқеъ бўлса, сабабчини беш йиллик бадарга килинур. Китоб тўғрисида зақун бўйинча ҳаракат лозим. Бечора муаззин масжиди жомеъда ва бир неча минг киши хузуринда айтгон сўзига мункир бўлгани, ани кайси даражадаги одамлигини кўрсатур. «Ойна» мухаррири имонига ҳам ўшал муаззин чанг солибдур деган сўзлар ҳам эшитиладур. Бул сўз собит бўлганда, «Ойна» мухаррири, албатта, анга даъво (казаф) килур. Аълон муаззин сўзига умумий тарафдан караб бир оз мухокама килармиз. Усули жаид ва русча ўкумок раддига сўйлагани собитдур. Биз, аввалан, шуни ёзармизки, на усули жаида мактабига ўкугон сабабли ва на русча ўкугон ваҳхидан киши кофир бўлмайдур. Муаззин мунга ҳеч далили шаръий ва аклий кўрсатолмайдур.

Мундан катъи назар муаззинни устози мухтарам Хожи Мулло Тўрахўжа мударрис жаноблари усули жаид мактабининг бонийси хисобланурлар. Усули жаидчиларни ва русча ўкугонларни «маълум мажлис»да куфр кудуги бўйигача судраган самаркандий мухтарам Мулло Саидахмад Васлий шоир жаноблари ва Хожиахмад мударрис жанобларининг устодлари мухтарам Хожи Мулло Тўрахўжа жанобларига: «Истанбул шайхулисломни Туркистон ва Бухорода усули жаид мактабларини ривож бермокга ва Русия мактабларига бола бермокга уламнинг саъйи ва ҳаракати лозимдур», — деб айтганларини мазкур мухтарам Хожи Мулло Ахмад мударрис жаноблари накл килиб эдилар ҳамда Хожи Мулло Ахмад афанди айтиб эдиларки: «Истанбул шайхулисломини

устодим Эшон Тўра илан зиёрат килдим. Шайхул-ислом жаноблари дедиларки, биз эшитармизки, Бухоро ва Туркистон уламоси усули жадидни ямон дер эмишлар, ажабо! Далиллари надур? деб мавохаза килмокчи бўлганда, ман, Мулло Хожиахмад, дедимки, — афандим, бизни шайхимиз (Эшон Тўрахўжа домлани мурод этар) усули жадидни мудофеъи ва хомийсидурлар»,—деб кутулдик. Ажабо, Хожи Мулло Ахмад мударрис жаноблари Истанбулдан шул кадар сўзлаб, яна кандай номи кировийлари илан бир-икки жадидачини «маълум мажлис»да алар гойибонасига жаноб устоди мухтарам Хожи Мулло Абдужалил махдум мударрис ва Хожи Мулло Тўрахўжа мударрис хузурларинда куфрга нисбат бериб, бадном этарлар. Холбуки куфрга нисбат берган одамлариданки, бири руси ўкугон, расмий омури ҳукумат, дигари русча билмайдургон оддий бир кишидур. Алар хакинда хурмат ва риоят, балки ионатдан бошка бир нимарса содир бўлгон йўқдур.

Ўтайлук. Хануз олти ой бўлган йўк усули жадида мактабинда волийи вилоят хузуринда Самарканд козиси ва Самаркандни акбари уламо ва содотидан жаноб Кози Мулло Мухаммад Исохўжа мударрис ва кози Абдулхайхўжа ва кози Мулло Абулкосим ва кози Мулло Бакохўжа жаноблари усули жадида мактабини айни шариат ва усули кадимдан кўра нофеълигини баён килиб эдиларки, «Самарканд» жаридаси ёзиб эди. Ажабо, олти ой ўтмасдан, кандай бўлдики, усули жадида мактаби ва усули жадидачилар мажлисларда, хатто, жомеъи шарифда такфир килинадур? «Анжумани арвоҳ» рисоласи хакинда ҳам жаноб Кози Мулло Мухаммад Исохўжани «сўзлари хамма(си) тўгри ва дуруст» дегонлари ривоят килинур. Хаммадан ажойиби булки, муаззин минглар ила киши хузуринда айтгон сўзига ҳукумат хузуринда ҳамда ўзини устоди хузуринда мункир бўлур. Биз бу сўзни ёзмас эдук ва аммо бутун халк орасинда шуҳрат тобгани ва жомеъи шарифда сўйлангани учун ва Туркистондаги юз минг оталарга болалари усули жадида мактабига ўкуйдур. Аларга дафъи иштибох килмок учун ва халойикни хар нимарсадан азиз имонига чанг урулгон учун ёзиб фурсатимизни фава килармиз. Валлох айтиб туруб, мункир бўлгучи киши сўзини бир пуллик эътибори йўқдур. Ох! Биз кандай кейин колганмиз. Халки олам усули жадида ва илми замоний ила осмонларга учар, биз хануз бир-биримизни такфир ва талъин ила вақт ўткарармиз.

*«Ойна» журнали, 1914 йил, 13-сон, 200—202-бетлар.*